NKMK — yuksak sifat, samaradorlik va ijtimoiy himoya kafolati!

KONCHILAR HAYOTI

Gazeta 1991-yildan chiqa boshlagan №17 (731), 2022-yil 15-sentabr facebook.com/nkmkofficial t.me/ngmkofficial instagram.com/nkmk.official www.ngmk.uz

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

5 сентябрь куни, эрта тонгдан мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланиб, мактаблар яна ўқувчиларни ўз бағрига олди.

Жумладан, 2400 нафардан ортиқ ўғил-қиз таълим олаётган Навоий шаҳридаги 1-мактабда ҳам Билимлар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти Бошқаруви раиси – Бош директори, сенатор Қ.Санақулов иштирок этиб, мактаб педагогик жамоаси ҳамда ўқувчиёшларига ўз табригини изҳор этди.

Тадбирда таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан 31 августда “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтган байрам шодиёнасида давлатимизнинг 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида юксак марраларга эришиши учун 5 та асосий вазифа белгилаб берилди. Бу вазифаларнинг биринчиси сифатида таълим соҳасида фарзандларимизнинг замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратиш изчиллик билан давом эттирилиши алоҳида таъкидланди.

Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади, ушбу тизим аввал илғор хорижий мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилади ва жорий этилади. Натижада, Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб етишади.

Мазкур мактабда ўз касбининг ҳақиқий фидоийлари ишлагани боис, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳар қандай таҳсинга муносибдир. Жумладан, таълим даргоҳини ўтган ўқув йилида тугатган 150 нафар битирувчидан 146 нафари ёки 99 фоизи ўқишга киргани қувончли натижа, устозлар меҳнати маҳсулидир.

Шунингдек, тадбирда зиёлилар, ўқувчилар сўзга чиқиб, ўзларининг дил изҳорларини билдиришди. Биринчи қўнғироқ садоси эса ўқувчиларни янги ўқув йилига чорлади.

“НКМК” АЖ Матбуот маркази.

■ Бугуннинг гапи

ҲАР БИР МУРОЖААТ - ЭЪТИБОРДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда мурожаатлар билан ишлаш ва аҳоли муаммоларини ҳал этишда янги давр бошланди. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг мақбул йўли сифатида ҳаётимизга жорий этилган мазкур механизм қисқа фурсатда ўзининг амалий натижаларини бера бошлади. Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш, мазкур йўналишда сифат жиҳатидан янги ва самарали тизимни йўлга қўйиш борасида “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Комбинатда жисмоний ва юридик шахслар вакиллари мурожаатлари тасдиқланган чора-тадбирларга мувофиқ белгиланган тартибда кўриб чиқилмоқда. Жорий йилнинг саккиз ойи давомида “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти раҳбарияти номига жами 2379 та ёзма, оғзаки, электрон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ҳамда Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси орқали мурожаатлар келиб тушган. Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш ва қонуний ҳал қилиш доимий эътиборда бўляпти.

Халқимизнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларни ҳаётидан рози қилиш мақсадида НКМК раҳбарияти жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилмоқдалар. Шунингдек, бўлинмаларда сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Марказий ва Жанубий кон бошқармаларида ташкил этилган сайёр қабулда 35 нафар фуқаронинг мурожаатлари тингланиб, уларга ҳуқуқий тушунчалар берилди. Ёзма мурожаатларнинг 82 таси ижобий ҳал қилинди.

Жойларда барча даражадаги раҳбарлар билан ўтказилган жонли мулоқот ва сайёр қабуллар одамларда муаммоларини ҳал қилишга умид ва ишонч уйғотади. Бевосита мулоқот, юзма-юз учрашувларнинг таъсир кучи шундаки, уларда қоғозларга сиғмай қолган тафсилотлар ойдинлашади, кўп йиллик муаммоларга ечим топиш имконияти туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларнинг 1177 таси қаноатлантирилган. Улардан 662 таси ижобий ҳал қилинган, 515 тасига ҳуқуқий маълумот бериш орқали ҳал қилинган, 140 тасига тушунтириш берилган.

Акционерлик жамияти раҳбари номига комбинат ишчи-ходимлари ҳамда жисмоний шахслардан турли масалалар юзасидан келиб тушаётган ёзма мурожаатлар корхона имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ижобий ҳал этилмоқда. Фуқаро Г.Ўринбоеванинг соғлигини тиклашда ёрдам сўраб қилган мурожаати ижобий ҳал этилиб, унга комбинат ишчи-ходимлари учун белгиланган суммада “Металлург” сиҳатгоҳига имтиёзли йўлланма тақдим этилди. 10 нафар фуқаронинг моддий ёрдам ажратиш тўғрисидаги мурожаатлари ҳам ижобий ҳал этилиб, уларга 820 млн.сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилди. НКМК ходимлари касаба уюшмаси Кенгашининг “Бирдамлик” фонди маблағлари ҳисобидан 10 нафар фуқарога моддий ёрдам ажратилди.

Ўтказилган таҳлилларда мурожаатлар билан ишлашда муайян ишлар бажарилганига қарамасдан, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ҳамда бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлик ҳолатлари ҳам аниқланиб, масъул шахсларга нисбатан чоралар кўриляпти. Жумладан, 2022 йил I ярим йиллигида акциядорлик жамияти ҳамда бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда турли кўринишдаги қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганликлари учун 6 нафар раҳбар ва масъул ходимларга турли даражада интизомий жазо қўлланилди. Келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш, мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, назоратни кучайтириш лозимлиги юзасидан комбинат ва бўлинмалар раҳбарларига топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

“НКМК” АЖ ва бўлинмалар раҳбарлари билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтда кўриб чиқиш, муаммоларни жойига бориб тизимли ҳал қилиш асосида мурожаатларни камайтиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Фуқаролар қизиқтирган саволларига жавоб олиш ҳамда тезкор ва тўлақонли тарзда мурожаатларни юбориш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишларига эришиш мақсадида комбинатда онлайн консультант хизмати йўлга қўйилган. Мазкур хизмат билан комбинатнинг расмий nkmk.uz сайти орқали боғланиш мумкин.

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Замон билан ҳамқадам бўлиш бугунги кун талабидир. Шу маънода ҳозирги шиддатли давр олдимизга қўяётган улкан мақсадлар барча соҳаларда бўлгани каби мазкур муҳим йўналишда ҳам ўтган қисқа даврда орттирилган ижобий тажрибаларни янада такомиллаштириш, уни мазмун жиҳатдан ривожлантиришни талаб этмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак”.

Ш. ИДИЕВ,
“НКМК” акциядорлик жамияти Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи.

■ Хабар

ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Япониянинг “Itochu Corporation” корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхона раҳбари Накаяма Шотаро бошчилигидаги делегацияси “Навоийуран” давлат корхонасига ташриф буюрди.

Учрашув давомида “Навоийуран” давлат корхонаси бош директори Жаҳонгир Хасанов “Itochu Corporation” корпорацияси билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш ва атом энергетика соҳасида табиий уран маҳсулотини қайта ишлаш ҳамда қўшимча қиймат яратиш борасида ўзаро тажриба алмашиш юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Мулоқотда ҳамкорликни янада кенгайтириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги “2022-2030 йилларда уран қазиб олиш ҳажмини ошириш, қайта ишлаш ва “Навоийуран” ДКни трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-319-сонли қарорида белгиланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, тоғ-кон ва транспорт ускуналари таъминоти, турли ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва кенгайтириш бўйича тажриба алмашиш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, корпорациянинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси мутахассислари томонидан “Itochu Corporation” корпорацияси фаолияти ҳамда Самарқанд шаҳридаги “SamAvto” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган махсус автотранспорт воситалари бўйича тақдимотлари ўтказилди.

Таъкидлаш жоиз, Японияннинг иккита йирик компанияси – “ISUZU Motors” ва “Itochu Corporation” корпорацияси “SamAvto” масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорлик қилади. Тақдимотда ушбу корхона маҳсулотлари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилди. Бугунги кунда корхонада кичик, ўрта ва оғир юк кўтариш машиналари, турли махсус транспорт воситалари ва автобуслар ишлаб чиқарилмоқда.

Дўстона ва самимий мулоқот руҳида ўтган учрашув якунида корпорация вакиллари келгусида янги лойиҳа ва йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш истагини билдиришди. “Навоийуран” ДК “Itochu Corporation” корпорациясининг энг ишончли ҳамкорларидан бири эканлиги таъкидланди.

«Навоийуран» ДК ахборот хизмати.

■ Ички туризм

ЙЎЛДАГИ ЎЙЛАР

“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида ўтган мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрами Учқудуқда ҳам кўтаринки руҳ, байрамона кайфият билан нишонланди. Бу сафарги байрам ҳақиқатан ҳам аввалгиларидан ўзгача бўлди! Шодиёна кун арафасида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирлар, концерт дастурлари, спорт ўйинлари, тур-саёҳатлар, қалбимда ишчи-ходимларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган, дунё эътирофидаги корхонада ишлаётганимдан туғилган шукроналик ва миннатдорлик ҳислари янада юксалгани боис ёзишга жазм қилдим.

Охирги пайтларда Шимолий кон бошқармасида амалга оширилаётган ўзгаришлардан Янги Ўзбекистонда яшаётганимизни тўла ҳис қиляпмиз. Мустақиллигимизнинг 31 йиллик шодиёнаси арафасида ташкил этилган тадбирлар ва дастурларда нафақат ишчи-ходимлар, балки туман аҳолиси фаол иштирок этди. Энг улуғ, энг азиз байрамга тайёргарлик Шимолий кон бошқармаси хотин-қизлари ўртасида ўтказилган мини футбол мусобақалари, спорт тили билан айтганда, “азарт” ўйинлар билан бошланди. Футбол майдонида шижоати ичига сиғмай, ғайрати тўлиб-тошиб беллашган хотин-қизларни раҳбарият муносиб тақдирлади.

Қуёш ётоғидан бош кўтариб, Қизилқумга майин нурларини таратаётган пайтда бошланган марафон аксарият аҳолига саломатликка аҳамият бериш, спорт билан дўст тутиниш зарурлигини яна бир бор уқтирди, кўнгилларга шижоат юқтирди ва яна кимларгадир ғолиблик қувончини, рағбатдан боши осмон қадар юксалиш ҳаяжонини ҳадя қилди. Айниқса, ойи-дадасига эргашиб келган болажонларнинг кўзларидаги қувончларини кўриш жуда мароқли эди.

Тонгги уйқусидан кечиб ота ё онаси билан марафонга келган болалар орасида 3 ёшли Саиджонга “кўз” бўлиб турарканман, беихтиёр бир болакай эътиборимни тортди. Унинг нигоҳларида ғолибликни сўраб қилинган илтижоли тилаклар ёниб турарди. Балки менга шундай туюлгандир... Отасига эргашиб, дам олиш кунидаги уйқусини бузиб келган болакайнинг тилаклари қабул бўлмайди, дейсизми?! Кон бошқарманинг салобатли биноси олдидан бошланган марафон иштирокчилари Учқудуқ остонасигача, яъни 4 километр масофани босиб ўтишлари керак эди. Финиш чизиғига интилганлар кўп бўлсада, ғолиблар маррага биринчи етиб келдилар. Фахрли ўринларни қўлга киритганларга берилган совғалардан худди ўзим тақдирлангандек, бошим кўкка етгудек хурсанд бўлдим. Касаба уюшма қўмитаси ҳам ғолибларга телевизор, печ, велосипедлар ва бошқа қимматбаҳо совғаларини топширди. Болакай ғолиб бўлганлар орасида турган дадасига мағрур тикиларкан, унинг кўзларида порлаган қувончда “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” ғоясининг амалий тасдиғини кўргандек бўлдим.

Республикамизнинг барча ҳудудларидаги каби Учқудуқда ҳам “Заковат” интеллектуал ўйинини ўтказиш анъана бўлди. Бунда уйғоққалб раҳбарнинг ҳиссаси катта. Интеллектуал ўйин шоу-дастурга айланиб кетди. Мақсад битта – китобхон авлоднинг шаклланишига ҳисса қўшиш, зиё тарқатиш, рағбатлантириш, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш! Аслида илмнинг баҳоси йўқ, билим бозорда сотилмайдиган, савдолашилмайдиган, харж қилинса-да, тугамайдиган бойлик, бироқ илмга чанқоқ, кўнглида китобга муҳаббатлиларни бирлаштирган “Заковат”да саволларга берилган жавоблар учун яхшигина пул маблағлари тақдим этилди, илм рағбатлантирилди.

Байрам туфайли берилган дам олиш кунларида Тошкенти азимга саёҳат қилиб келдик. Шимолий кон бошқармасидан 45 чоғлик ишчи-ходимлар 1-сонли автокорхонамизнинг замонавий автобусида, йўл машаққатларини сезмаган ҳолда нон шаҳрига – Иккинчи жаҳон урушида неча минглаб инсонларга илинж, қувонч, юпанч шаҳри бўлган азим Шошга йўл олдик.

Беқиёс адиб Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асрида тасвирланган қадимий Тошкент! Зилзиладан кейин батамом ўзгариб кетган шаҳар. “Икки эшик ораси”нинг қаҳрамонлари яшаган кўчалар, айниқса Мунаввар ва Музаффар кўз олдимдан қўл ушлашиб ўтишгандек. Узоқ йўлнинг шуниси яхши-да! Тасаввур ва тафаккур қилишга, ўйларинг билан ёлғиз қолишга, тадаббур этишга имкон бор! Шунданми, йўл бўйи ўйчан хаёллар оғушида бўлдим.

Давоми 2-бетда

■ Долзарб мавзу

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

“Ҳаётларини бир-бирига боғламоқчи бўлганлар никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини катта очиб қарашлари, никоҳдан кейин эса баъзан кўрганларини ҳам кўрмаганга олишлари керак”.

М.СКЮДЕРИ.

Оила муқаддас даргоҳ. Мен уни гўзал баҳорга, унинг нозик чечакларига ўхшатаман. Уни асраб-авайлаш, гўзал фазилатлар, фидойи хислатлар билан безантириш, мустаҳкамлаш, шунингдек Оллоҳ инъоми аталмиш фарзандларни севиш, ардоқлаш, уларни жамият учун зарур ва керакли комил инсон даражасида тарбиялаб вояга етказмоқлик эр-хотин учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Оила эр ва хотин ўртасида тузилган ихтиёрий хоҳиш-ирода билан қонуний никоҳ асосида вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий кучга эга эмас. Қонуний никоҳдан ўтмасдан бирга яшаган шахслар ўртасида фарзанд дунёга келганида биринчи навбатда болага туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олишда муаммога дуч келинади. Бунда болани отаси тан олиб ўзининг фамилиясини берса яхши. Акс ҳолда улар ўртасида келишмовчилик боис ажрашиб кетишса, аёл боланинг манфаати йўлида унга оталикни белгилаш учун суднинг эшигини қоқишига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасига кўра, никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация) никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасига кўра, лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опасингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида, лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Қариндошлар ўртасида турмуш қуриш афсуски учраб турибди. Судда кўрилаётган никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бўйича кўп ҳолларда тарафлар, яъни даъвогар ва жавобгар бир-бирига холавачча, амакивачча ёки бошқача яқин қариндошлар бўлиб чиқади. Бундай эр-хотинлардан фарзандлар бирор бир нуқсон билан дунёга келиши тиббиётда яхши маълум. Энг ёмони, эр-хотин оилавий келишмовчиликлар сабаб никоҳдан ажрашадиган бўлса, ҳар иккала томоннинг яқинлари ўртасида қариндошлик ришталари узилади.

Инсон камолотида оиланинг ўрни беқиёс. Зеро, айнан оилада катталарга ҳурмат, поклик, ҳақгўйлик, виждонлилик, одоблилик, меҳнатсеварлик, инсон қадр-қиммати каби хислатлар шаклланади. Шу боисдан Юртбошимиз оила муқаддас урф-одатларимизни ҳимоя қиладиган, ҳаётнинг абадийлиги, авлодлар ворисийлигини таъминлайдиган ва шу билан бирга, ёш авлодга бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини доимо таъкидлайдилар. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Оилавий муаммоларни суд мажлисида кўриб чиқиш масъулияти биз судьяларнинг зиммамизга юкланган. Бир оила барбод бўлган деб топилиб, эр ва хотин никоҳдан ажратилса, юрагимда оғриқ туяман. Сезиб тураман, эр ва хотин бир-бирига ўғринча қараб олиб, бошлари эгик ҳолатда суд залини тарк этишади. Наҳотки, бир-бирини кечириб, оилани тиклаш учун ҳар иккисида куч топилмади деб ўйлаб қоламан. Баъзан майда-чуйда икир-чикирлар, ён атрофдагиларнинг, оила аъзоларининг таъсири, турли миш-мишлар сабаб ҳам гулдек оилаларга дарз кетаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Турмуш қурган ёш эр-хотинлар ўртача 3-5 йилда анчагина жанжал-можаролар оқибатида ажралишни истаб қоляпдилар. Нега? Сабаби суриштирилса, қизларимизнинг келин бўлиб тушган хонадонда қайнона-қайнотанинг, эрнинг ҳурматини жойига қўймаганлиги ёки рўзғор ишларини бажармаганлиги, тилининг аччиқлиги ёхуд хиёнат. Шунингдек, қайнона-қайнота, айниқса йигитнинг онажонлари, қариндошларнинг оила муҳитига совуқчилик туширганлиги. Бизнинг миллатимизда йигит-қизлар кўпроқ ота-оналарга қулоқ тутиб вояга етганликлари боисми, рўзғор курганларидан кейин ҳам эри ёки хотини билан бўладиган ўзаро муаммоларини ота-оналарига етказишади ва ота-оналар уларнинг оилавий муҳитига аралашиб, ёш эр-хотиннинг судда никоҳдан ажралишига замин яратиб беришмоқда.

Рўзғорда бўлиб турадиган можаролар учун ажралиш йўлини танлаш тўғри эмас. “Эр-хотин қўш ҳўкиз” деган мақолдан ҳисса шуки, муаммоларни биргалашиб енгишга ҳаракат қилиш керак. Гоҳида ёши қирқдан ошиб қолган айрим эр-хотинларнинг “характеримиз” (муросамиз дейишмоқчи) тўғри келмаяпти”, “рўзғоримизга қариндош уруғлар аралашяпти” каби арзимас сабаб, важлар билан ажралиш учун суд эшигини қоқиши ҳолатлари ҳам учраяпти. Бу эса ҳаётга ниҳоятда енгил қарашларнинг оқибатидан бошқа ҳеч нарса эмас. Тасаввур қилинг-а, эртаиндин ўғлингиз уйланадиган, қизингиз турмушга чиқадиган бўлиб турсаю сиз “ўзингиз учун” тинч яшашни хоҳлаб қолсангиз. Бу худбинлик эмасми?! Бу ҳолат ўсмирликни бошидан кечираётган фарзандингизга қандай таъсир қилади? Бу ҳақида ҳеч қайғуриб кўрдингизми?! Болаларингиз ҳали ёш, мурғак, ота-онасининг меҳрисиз, эркалашисиз, умуман сизларсиз ичикиб қоладиган ёшда бўлса-чи?! Ўзингиз Оллоҳ томонидан инъом этилган бебаҳо неъмат – ота-она бағрини, меҳрини, ғамхўрлигини, тарбиясини, уларнинг сизга бўлган ёқимли ҳиссиётларини туйиб, бекаму-кўст вояга етдингиз. Нега энди Оллоҳнинг ана шу неъматидан вояга етмаган фарзандларингизни тошбағирларча маҳрум этаяпсиз?!

Эртага қизингизга совчи келади, ўғлингизга қиз ахтариб бировнинг эшигини қоқасиз. Аввал онасини суриштирда кейин қизини ол, қизингни узатишда эса йигитнинг уруғ-аймоғини суриштир, ота-онаси ким, қандай инсонлар деган сўровлар бўлади. Ўз тинчлигини ўйлаб хотини ёки эридан ажрашган инсонларнинг фарзанди келажагига ана шундай қора кўланка ўз тамғасини босади.

Судья Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддасига асосланиб, “Никоҳдан суд тартибида ажратиш” масаласини кўрар экан, унинг иккинчи банди асосида эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Бу муддат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Оила ва Хотин-қизлар давлат қўмитасининг вилоят бошқармаси ҳамда туман, шаҳар бўлимлари, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг вилоят бошқармаси, МФЙлари, маҳалла фаоллари, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар оилани сақлаб қолиш учун тажрибасиз, ёш эр-хотиндан бисотларидаги насиҳатларини аямасликлари ва ҳар иккала томоннинг манфаатлари, ҳуқуқлари, қарашларига адолат ва ҳурмат билан муносабатда бўлиб, одилона, холис баҳолаб, ҳақ ўгитларини бермоқлари, уларнинг ҳар бирига оилани сақлаб қолишга қодир эканликларини, яхши фазилатларини эслатиб туришлари лозим.

Суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризани қаноатлантиришдан рад этганида, бўлимлар (эр ва хотин бошқа-бошқа маҳаллада яшасалар ҳар икки бўлим ҳамкорликда) бу оилани ўз ҳолига ташлаб қўймасдан, эр ва хотиннинг кейинги тақдири билан қизиқиб, оилани тиклаш учун тинмай ҳаракат қилиши керак.

Аёлларимизга айтадиган гапларим бор. Аёл фаолияти суст эркакни дадил бўлишга ундаши, эркакда янгича фикрлар, фазилатлар туғилишига кўмаклашиши шарт. Зеро, “Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин”, деган нақл бежизга айтилмаган. Бу оғир руҳий жараён, аммо оила барқарорлиги, аҳил-тотувлиги учун ҳаводек зарурдир.

Бир эр-хотин бола туғилгач, уни донишманднинг олдига олиб боришиб, болани тарбиялашни нимадан бошлайлик, деб сўрашибди. Шунда донишманд уларга савол берибди: - Бола қачон туғилган?

Жавоб беришибди: 6 ойлик бўлди.

Донишманд: “Тарбияга кечикибсизлар. Бола она қорнида эканлигидаёқ тарбиясини бошлаш зарур. Онага фақат яхши муомала қилиш, уни асраб-авайлаш, жанжал-можаролардан йироқ тутиш – бу бола тарбиясини бошлаш билан баробар. Бола она қорнидалигида онасида кечган яхши кайфиятдан баҳра олиб, мўминқобил фарзанд бўлиб етишади. Бола ҳомила ҳолатидан бошлаб ёмон, қўпол, баджаҳлликларни эшитса, номаъқул инсон даражасини олади”, дебди.

Қиссадан ҳисса шуки, аввалambor, ўғил ва қизни оилада мукаммал инсон даражасида, яъни турмушнинг муштларига чидамли, йўқчиликка, турмушда кечадиган вақтинчалик оилавий жанжалларга сабр-тоқат руҳида тарбиялаш, келиннинг онгига эрга, қайнона-қайнотага, атрофдагиларга нисбатан муомала маданиятини сингдириш, мусулмончиликда хотин эрдан бир поғона паст турса, бу келиннинг гўзал одоби, хулқи, латофати ифодаси эканлигини уқтириш, шунингдек, йигитларда хотинга, ота-онага, қайнона-қайнотага мўмин ҳурмат, оиланинг устуни сифатида рўзғорнинг камукўстини бутлаш каби мажбуриятларини сингдириб, кўникма ҳосил қилиш, бундай инсоний хислатларни, доно ўгитларни оиладан ололмаса (кўпчилик ота-оналарнинг ўзлари тарбияга муҳтож) махсус марказларда уларни оилага тайёрлаш, ана шундан сўнг қизни узатиш, йигитни уйлантириш мумкин.

Суддаги 43 йиллик иш тажрибамда амин бўлдимки, ҳаммаси тарбияга боғлиқ. Қўполлик, ҳурматсизлик, манманлик, андишасизлик, ёлғон оилани жарликка олиб боради. Оила муқаддас саждагоҳ. Уни барбод қилиш гуноҳ эканлигини эркак ҳам, аёл ҳам тушуниши, қалбан ҳис этиши, вояга етмаган фарзандларининг бахтиёр болалигини барбод қилмасликлари керак.

Ибодат ШОЙМАРДОНОВА,
Навоий вилоят суди судьяси.

■ Ички туризм

Охири. Бошланиши 1-бетда



ЙЎЛДАГИ ЙЎЛАР

Тошкентни айланарканмиз, бу улкан шаҳарда ўзимни бир заррадек ҳис қиламан. Овруподагидек осмонга туташ биноларга ҳайрат билан боқаман. Бизга ҳамроҳ бўлган гид қизимиз Лобар шаҳар бўйлаб таништириб боради. Ундаги билим ва маданиятлилик, шаҳри, Ватанидан ғурурланиш каби фазилатлар шундоқ ёлқинланиб турарди. “Хастимом мажмуаси”да мусулмон уммати бир кўришга муштоқ бўлиб азим шаҳарга интилган Қуръони каримни кўришдек саодатга эришганига ичимда Яратганга ҳамд айтаман, мижжаларим ёшланиб қолади. “Шаҳидлар хотираси” боғидаги “Алвасти кўприк” устида кўнглимга маҳзунлик инади. Кўприкдан пастга қарайману 1938-40 йиллардаги ўзбек зиёлиларининг қони тўкилган ерлардан тараққийпарвар инсонларнинг ўлимга тик боққан, Ватанига илинж билан тикилган нигоҳлари кўрингандек бўлади. Қодирийни, Чўлпонни қўмсайман. Ичимда “Эҳҳ, болаларини асролмаган Ватаним-а!”, деган фарёд туғилади. Кенг бағрига Усмонини сиғдиролмаган, она тупроғидан миллионлаб чақиримларга юлиб олиб кетилган, ўсса - Ватанга, адабиётга нафи тегадиган, Намангонимнинг барқ уриб яшнолмаган ниҳолини соғинаман...

Халқ тилида Оқмачит деб аталувчи Минор масжиди гўёки қалб ва виждон поклигининг намунасидек оппоқ нурини таратиб турибди. Рости, кўпчилик Тожмаҳалга ўхшатган Минорни мен Тожмаҳалга менгзашдан кизғандим.

Телеминорада турганимизда бутун Тошкент кафтга сиғадигандек туюлди. Замонавий Magic city ҳақиқатан ҳам мўъжизавий эртаклар шаҳридек, бағрига интилганни ўзига ром қилмай қўймайди! Донишманд халқимиз “Юрган - дарё, ўтирган - бўйра”, деганидек, масофалардан катта таассуротлар топиб қайтдим, ҳар ким дунёқараши ва тафаккури доирасида ненидир топди: кимга саёҳат, кимга зиёрат, кимгадир эса иккиси ҳам насиб айлади. Тошкентнинг энг замонавий ётоқхоналаридан бири бўлган “Mersi”да истиқомат қилиш имконини учун, халқ тилида айтганда “тренд” бўлган ошхоналардаги таомлар учун, суратларга, хотираларга муҳрланган ажиб саёҳат ва зиёрат учун саёҳатчилар номидан раҳбариятимизга, 1-сонли Бирлашган касаба уюшма қўмитасига миннатдорчилик билдириб қоламан.

Мустақиллик байрами кунларидаги ҳаяжон ва таассуротларим беқиёс. Уларни ижодкор устозим билан баҳам кўрдим. Бу ҳиссиётлар Тошкентдек шаҳри азимга саёҳат, яқиндагина “Темир дафтар”да рўйхатда турган, бугун ташкилотимизга ишга қабул қилинган аёлларнинг кўзидаги қувонч ва хурсандчикни кўрганлигим, аёлга бахт берган корхонада ишлаётганим шараф эканлигини ҳис қилганлигимдан эканлигини айтдим. Устоз ташкилот раҳбарининг мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрамини ўтказишдаги ташаббуси, тадбирлар орқали нафақат ишчи-ходимлар, балки туман аҳолисига кўрсатган рағбати тўғрисидаги фикрларимни тасдиқлаган ҳолда, “Олижаноб инсон”, дея таъриф бердилар. Зеро, Янги Ўзбекистон тараққиётини ҳар соҳада талабчан ва ғамхўр, халқпарвар раҳбарлар фаолияти ҳамда улар бошчилик қилаётган аҳил жамоаларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари юксалтиради.

Нилуфар МУЙДИНОВА,
ШКБ Кадрлар бўлими мутахассиси.

ҚУЁШЛИ ЎЛКАГА САЁҲАТ

бетакрор ҳаяжон ва таассуротларга бой бўлди

Сўнгги йилларда Юртбошимиз томонидан ички туризмни ривожлантириш доирасида муҳим қарорлар қабул қилинаётганлиги боис Ўзбекистонда зиёрат ва экотуризм ривожланмоқда. Байрам кунлари аҳоли учун тақдим этилган қўшимча дам олиш кунлари мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига ташриф буюриб, Буюк Ипак йўли ўтган қадимий масканларни кўриш имконини бермоқда.

“Навоийуран” давлат корхонаси 6 –сонли Бирлашган касаба ушмаси қўмитаси томонидан жорий йил бишидан буён 767 нафар ходимга Тошкент, Хива, Шаҳрисабз, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига, экотуризм доирасида эса 43 нафар ишчи-ходимга Нурота, Навбаҳор туманлари ва Конимех тумани Шўркул маҳалласида жойлашган зиёратгоҳларга саёҳатлар ташкил этилди.

Истиқлол байрами муносабати билан эълон қилинган дам олиш кунларида корхона ходимларидан бир гуруҳи Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари билан бирга, қўҳна Хоразм воҳасига саёҳат қилдилар. Хоразм тупроғида яратилган, халқимиз маънавиятининг ноёб ёдгорлиги бўлган “Авесто” китобида қайд этилишича, “Хоразм” сўзининг келиб чиқиши форсчадан “хвар” – қуёш ва “азм” – ўлка, ер, юрт сўзларининг бирикмаси бўлиб, “Қуёшли ўлка” деган маънони англатади.

Саёҳатнинг дастлабки манзили Нурлибой ота саройи бўлди. Қадимий обида ўзининг алоҳида услуби ва кўркам безаклари билан Хивадаги бошқа хон қароргоҳларидан фарқ қилади. Унда турли хил шакллдаги давлат заллари, жумладан рус услубида безатилган тахт хонаси ҳам мавжуд. Бинода Европа ва Шарқ меъморчилиги уйғунлашганлиги, еттита хонанинг барчаси бир-биридан ўзгача безатилганганлиги кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг, саёҳатчилар Урганч шаҳрига йўл олишди. Улар Ўзбекистони мустақиллигининг 31 йиллиги шодиёналари арафасида Юртбошимиз иштирокида тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасини томоша қилишди. 25 метрлик маҳобатли ҳайкалда мард ва жасур саркарда бутун мамлакатнинг ҳимоясига отланиб тургани акс эттирилган ушбу мажмуа барчада катта таассурот қолдирди. Унинг олдида Қуръони карим оятлари, саркарданинг шажараси ёзилган битиктош нусхаси ўрнатилган.

Саёҳатимизнинг иккинчи кунида Марказий Осиёдаги ноёб меъморий ёдгорлик – Ичан қалъага ташриф буюрдик. Бу ердаги Жума масжид, Шайх мухтор Валий ҳамда Паҳлавон Маҳмуд мақбаралари ва бошқа тарихий обидалар билан танишиш саёҳатчиларнинг маънавий оламини бойитди, десак муболаға бўлмайди. ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган Ичан қалъа тарихий меъморий мажмуаси ўзининг бой тарихи, бетакрор қадамжолари билан зиёратчиларни мафтун этди. Ҳар бир тарихий обида ва қадамжони ўзгача меҳр, кези келганда шеър ва ғазаллар, ҳазиломуз ҳангомалар билан янада қизиқарли қилиб гапириб берган Тоҳиржон исмли гид ҳамроҳлигида ҳар бир сайёҳ ўзини эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис қилди.



Анъанавий қовун сайли айнан ўша куни бўлиб ўтаётган экан. Турли мева ва полиз экинларидан тайёрланган ажойиб экспозициялар, ранг-баранг павильонлар ва албатта санъаткорлар томонидан ижро этилган воҳага хос шўх қўшиқ ва рақслар барчага хуш кайфият бағишлади. Хиваликлар бизга “меҳмон, меҳмон” деб ҳурмат-иззат кўрсатишди. Ширин қовунлардан истеъмол қилиб рақсга тушдик.

Бир сўз билан айтганда, аъло даражада ташкил этилган саёҳат таассуротларга бой бўлди. Замонавий ва қулай автобуслар, шинам ва юқори хизмат мўлжалланган меҳмонхона, бир-биридан мазали миллий таомлардан иборат таомномалар ва Хоразм бадиий жамоалари томонидан тақдим этилган концерт дастури йўл чарчоғини бартараф этиб, саёҳатчиларнинг кайфиятини кўтариш ва марокли дам олишига хизмат қилди.

Албатта, бу бетакрор тарихий обидаларга бой шаҳарни томоша қилиш учун икки кунлик саёҳат камлик қилади. Саёҳат иштирокчилари Хивага яна ташриф буюриш истагини билдиришди.

Нафиса САГАТБАЕВА,
“Навоийуран” ДК
Матбуот хизмати муҳаррири.

■ 2022 – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Юртбошимизнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган сўзлари халқимиз турмуш тарзи, орзу-истакларига тўла ҳамоҳанг эканлиги билан аҳамиятли ва бу шиор жойларда рўёбга чиқарилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан халқнинг ичига кириб, унинг дарду ташвишларини тинглаш, оғирини енгил қилиш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш барча бўғиндаги раҳбар ва мансабдор шахсларнинг асосий вазифаси бўлиб қолди. Аҳоли ўртасида очиқ мулоқотларни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, мурожаатлар қонуний ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш самарали механизмга айланиб, амалда ўзини тўлиқ оқламоқда.

“НКМК” АЖ Марказий кон бошқармасида жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари доимий таҳлил қилиб борилмоқда. Жумладан, ишчи-ходимлар билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш юзасидан аниқ ва тезкор чоралар кўриш мақсадида бўлинмалар кесимида бошқарма раҳбариятининг сайёр қабуллари ташкил этиляпти.

Навбатдаги сайёр қабул 7-гидрометаллургия заводида ўтказилди. Унда МКБ директори Э.Халикулов, директор ўринбосарлари Ш.Эргашев, Ш.Давиров, О.Ҳасанов, О.Бешимов, А.Нормирзаев, 3-БКУҚ раиси Б.Эркинов ва бошқа мутасадди масъуллар иштирок этди. Тадбирда ишчи-ходимларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, муаммоларини тинглаш ва уларнинг ечимига қаратилган зарурий чора-тадбирларни белгилаш, шунингдек, мурожаатларнинг кўпайиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан таъсирчан чораларни кўриш каби вазифалар қайд этилди.

Сайёр қабулда завод ишчи-ходимларининг мурожаатлари, муаммо ва таклифлари тингланди. Уй-жойга бўлган эҳтиёж, иш жойини ўзгартириш ва бошқа ижтимоий масалалар бўйича мурожаатлар ўрганилиб, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Бундай сайёр қабуллар ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш, уларнинг истаклари эътиборга олиниб, мавжуд муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Дилдора КАРИМОВА,
МКБ Ахборот хизмати мухбири.

■ Орамиздаги одамлар

“Биласизми, беморга меҳр билан қарасак, дардини шошилмасдан эшитсак, қалбида соғайиб кетишига ишонч уйғота олсакгина, бемор албатта, соғайишга ҳаракат қилади ва соғаяди. 33 йиллик шифокорлик фаолиятимда турли касалликка чалинган беморлар билан суҳбатлашдим, уларни тиббий муолажадан ташқари ширин сўзлар билан ҳам даволадим. Дарддан фориғ бўлганларнинг миннатдорчилиги мен учун ҳамиша энг катта мукофот бўлади, - дейди узоқ йиллардан буён аҳоли саломатлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” Давлат муассасаси “Зарафшон” ҳудудий бошқармаси Зарафшон Тиббий-санитария қисми катталар поликлиникаси 2-сонли терапия бўлими мудири Амрилло Рамазонов.

ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБИ

Амрилло Ғайбуллаевичнинг ёшлиги Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги Чандир қишлоғида ўтган. 1976 йилда бўлажак шифокорнинг онаси кичик синглисига ҳомиладор бўлганда жуда ҳам қийналади. Онасининг бевақт оламдан ўтиши боланинг юрагига қаттиқ жароҳат етказади. Ана шу фожиа сабабми “Келажакда мен албатта шифокор бўламан. Бирор онанинг бемаврид ўлимига йўл бермайман” деб аҳд қилади. Ёш Амрилло ҳарбий хизматдан сўнг ҳужжатларини Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш факультетига топширади. Омадни қарангки, мактабда яхши таълим олганлиги натижасида ўша йили талаба бўлади.

1989 йилда институтни муваффақиятли тугатган ёш шифокор Амрилло Ғайбуллаевич иш фаолиятини Бухоро вилоят касалхонаси ошқозон ичак касалликларини даволаш бўлимида бошлайди. Орадан 4 йил ўтгач, Зарафшон шаҳрига ишга келган шифокор ўша даврни шундай хотирлайди: “Олийгоҳни имтиёзли тугатганимдан сўнг мени Ленинград шаҳрига ишга чақиришди. Оилавий шароитим бўлмаганлиги ва фарзандим туғилганлиги сабабли у ерга боришдан бош тортдим. Ўзбекистонда ишлаш истагини билдирганимда менга Зарафшон шаҳрида ишлашга йўлланма беришди. Кўпчилик Зарафшоннинг ёзи жуда иссиқ, қиши совуқ, ҳавоси ва иқлими ноқулайроқ дегандан сўнг, ўйлаб кўриб Бухорода қолдим. 1993 йил таътилда Зарафшонга, қариндошимизникига меҳмонга келдим. Бу ерда аҳоли учун яратилган шарт-шароитларни кўриб ҳавасим келди. Ўша вақтда келсам бўлар эканда, деб афсусландим ҳам. 1993 йили шу шаҳарга ишлаш ниятида келдим ва 3-сонли Тиббий-санитария қисмининг катталар поликлиникасига участка терапевт врачи бўлиб ишга қабул қилиндим. Шундан буён Зарафшон аҳолисининг саломатлиги йўлида хизмат қиляпман. Кончилар шаҳрига келганимдан норози эмасман. Касбимга меҳрим, сидқидилдан ишлаганлигим туфайли, ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Ҳаётимнинг охиригача халққа хизмат қилишга тайёрман”, – дейди самимийлик билан у.

Шифокор доимо изланиши, тиббиётдаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиши, уларни амалиётда қўллаши лозимлигини Амрилло Рамазонов яхши тушунади. Бўш вақт топди дегунча, тиббиётга оид газета ва журналлар, китобларни ўқиб, ўрганади, малакасини ошириб боришга интилади. 1995 йили унга 2-сонли терапия бўлими мудирлиги ишониб топширилди. Қарийб 27 йилдирки, у шу лавозимда халқ хизматида.

Зарафшон Тиббий-санитария қисми 100 минг нафардан зиёд аҳолига шошилинч ва стационар тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, санитария қисми 200 ўрин-жойга мўлжалланган 5 та бўлим, 8 ўринжойга мўлжалланган анестезиология ва реанимация бўлими, 1404 қатнов қувватига эга 3 та поликлиникадан ҳамда ёрдамчи бўлинма ва хизматлардан ташкил топган. Сўнгги уч-тўрт йилда мазкур тиббиёт муассасасига 200 дан зиёд тиббий асбоб-ускуналар олинди. Жумладан, замонавий ЭКГ аппаратуралари ва нафас олишни аниқловчи аппаратура, сунъий нафас бериш ускуналари, рақамли флюорография ва рақамли рентген, маммограф аппаратлари олиб келинди. Шунингдек, 2020 йилда янги стационар корпусининг биринчи қаватида замонавий жиҳозланган рентген бўлими ташкил этилиб, мульти спирал компьютер томографи, мобил рентген, рақамли рентген аппаратлари ўрнатилиб ишга туширилди. Бу аппаратуралар мавжуд патологияларни аниқлаш сифати ошишига ҳамда вақтнинг тежалишига имкон беряпти. Шунингдек, Санитария-эпидемиологик станция лабораторияси мажмуаси таркибида вирусология лабораторияси ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуна, жиҳозлар ҳамда полимер занжир реакцияси усулида ишловчи вирусларни аниқловчи аппаратура билан таъминланди.

Тиббий-санитария қисми стационарларида йилига ўртача 12 минг нафардан зиёд беморлар даволаниб чиқади. Уларга минг нафарга яқин тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишади. Жамоада касбига садоқатли, жонкуяр мутахассис Амрилло Рамазоновнинг алоҳида ўрни бор, албатта.

- Амрилло Ғайбуллаевич билан қатор йиллардан буён бирга ишлаймиз. У кишини билимга чанқоқ, беморларга меҳрибон, оиласига ғамхўр, атрофдагиларга қалбан ёндашадиган фидойи инсон сифатида биламан. Амрилло Ғайбуллаевич бор билим ва тажрибасини беморларга ёрдам беришга бағишлаяпти, дея оламан. Ҳар бир бемор у кишининг қабулидан рози бўлиб чиқади, шифо топади, - дейди Тиббий-санитария қисми катталар поликлиникаси мудираси Хакима Ўринова. А.Рамазонов ҳақидаги бундай эътирофларни кўпчилик ҳамкасбларидан эшитдик. Қабулида навбат кутиб турган беморларни кўриб, қиёфасида камтарлик, самимийлик барқ уриб турган шифокорга халақит бергимиз келмади. У қабулидагиларни куттиришни истамай, саволларимизга жавоб бериш асносида кўригини ҳам давом эттирди. Шунда шифокор учун инсон ҳаёти ҳар қандай ҳолатда ҳам устувор эканлигини англадик.

Машаққатли ва айни пайтда шарафли касблардан бирини танлаган Амрилло Рамазоновнинг ҳаётда ўзи танлаган ибратли йўли бор. Соат миллари 19.00ни кўрсатаётган бўлсада, ҳамон докторнинг қабулини кутаётганлар бор эди. “Духтир” биз сизга келган эдик, – дея эшик қоқди бир аёл...

Амрилло Ғайбуллаевичнинг бир кунлик фаолиятини кузатиб, шифокорлик касби вақт билан ҳисоблашмасдан ишлашни, том маънода фидоийликни талаб этишини яна бир карра англаб етдим.

Нафосат ЗИЁЕВА.

ВАТАН, ҚАЛБИМ СЕНГА БАХШИДА

БОЛАЛИГИМДАН ЎЗБЕК ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИГА ҚИЗИҚИШИМ БАЛАНД ЭДИ

1973 йил Андижон шаҳрида туғилганман. Ўзбек маҳалласида вояга етдим, ўзбек халқининг маданиятини, у ерда яшовчи одамларнинг феъл-атвори, турмуш тарзини ўрганганлигим боис уларга меҳрим ошиб борди. Маҳалладошларим ва дўстларим билан ҳозирга қадар алоқаларимиз узилмаган, тез-тез қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўраб, шукрона кунларимизда бир-биримизни табриклаб турамиз. Ёшлигимда ўзбек тилига қизиқишим юқори бўлганлиги боис ўзбек тили бўйича ўтказиладиган фан олимпиадаларида қатнашиб, юқори натижаларни қўлга киритганман. Эришган ютуқларим туфайли имтиҳонсиз талаба бўлиш бахтига муяссар бўлганман. Ўша кезлари ўзбек тилининг жозибаси, нозик қочиримлари, унинг нафислиги қалбимни жунбишга келтириб, меҳримни янада оширар эди. Бу ҳол мени ўзбек тили бўйича мутахассис бўлиб етишишга ундади ва Андижон давлат тиллар педагогика институти томон етаклади.

“Тил билган эл билади,”- деган нақлга амал қилиб русийзабон ўқувчиларга ўзбек тилининг сир-асрорларини ўргатиш, уларни ўзбек тилининг жозибасидан баҳраманд бўлишига ўз ҳиссамни қўшишга жазм қилдим. Ҳоҳиш-истакларимни рўёбга чиқариш мақсадида ўқувчиларнинг шовқин-сурони билан тўлган қутлуғ маскан - мактаб томон ошиқдим. Ва ниҳоят орзу - ниятларим ижобат бўлди. 1996 йил олийгоҳни тамомлаганимдан сўнг Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлимига ёш мутахассис қилиб юборишди.

Халқимизда “Қиз бола палахмон тоши,”- деган ибора бор. Менинг умр йўлим ҳам ана шу ҳақиқатга мос келди. Зарафшон шаҳридаги 8-сонли мактабда рус синфларига ўзбек тилидан дарс бера бошладим. Турли миллат фарзандларининг ўзбек тилида бийрон-бийрон гапириши, шеър ва мақолларни севиб ёд олиши ўз устимда янада кўпроқ ишлашга, ўзбек тилининг қонун-қоидаларини ўқувчиларимга чуқурроқ ўргатишга руҳлантирди.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ОИЛАПАРВАР

Умр йўлларим ҳам орзу - ниятларим билан уйғун ҳолда кечди. 1996 йилда ўзбек оиласига келин бўлиб тушдим. Турмуш ўртоғим Шуҳрат акам оилапарвар ва меҳрибон инсонлар. Қайнона-қайнотам эса ҳар доим бизга қўшқанот бўлишганлар. Айниқса, қайнонамнинг ўзбек миллий қадриятларини, рўзғор юритишни, мазали таом тайёрлашнинг сир-асрорларини қунт билан ўргатиши ўзбек хонадонида бахтли бека бўлишимда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбек халқи азал-азалдан оилага катта эътибор қаратишган. Ўзбек оиласига келин бўлиш мен учун ҳеч қийинчилик туғдирмаган, чунки турмуш ўртоғим, қайнона-қайнотам қўлларидан келганча шу оилада томир отишимга ўз ҳиссаларини қўшишган. Қайнона-қайнотам ҳам бизнинг маданиятимизни, урф-одатларимизни доимо қадрлаб келишган. Ўз навбатида мен ҳам ўзбек анъаналарини яхшигина ўзлаштириб олганман. Муштарак туйғулар – меҳр-оқибат, орномус ва андиша, олижаноблик каби муқаддас тушунчалар ҳар бир миллатда бор. Айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги фарзандлик бурчини чуқур англаш, ўзбек оиласига хос бўлган фазилатлар оилавий муносабатлар негизини, оиланинг мустаҳкамлиги асосини ташкил этишини англаб етганман. Фарзандларим Руслан ва Султоналиларни ҳақиқий ўзбек ўғлонлари этиб камолга етказдим. Гоҳида турмуш ўртоғим “Сен ўзбек аёли зиммасидаги барча масъулияту вазифаларни аъло даражада уддалаб келгансан, ҳаттоки, ортиғи билан”, дея мақтаб ҳам қўядилар. Бундай муносабат менга янада куч-қувват ва шижоат бағишлайди.

Мен бахтиёр она, севимли рафиқа ва оддийгина ўзбек келиниман. Турмушдаги турли вазиятлардан оқилона чиқиб кетишда ҳар доим қайнонамга суянганман. Оиламизнинг бахтли, файзли бўлишида қайнонамнинг кўрсатмалари, ҳаётий тажрибалари ҳар доим асқотар эди. Гоҳида ўша пайтлар янги оилага тез кўникиб, мослашиб кетишимга балки қайнонамнинг асли русий забон миллатга мансублиги ҳам ёрдам бергандир, деб ўйлаб қоламан. У ўзининг тақдири менда такрорланиши, ширин хотиралари жонланишини кўриб завқланарди, балки ана шулар бизларни янада бирлаштиргандир. Баъзида қайнонам ўтмиш хотираларини энтикиб эслаб қолардилар... “Ўшанда 18 ёшли дуркун украин қизи эдим. Қайнотангиз йигитлик бурчини ўташ учун Ўзбекистондан Украинага ҳарбий хизматга келган эди. Тақдир экан, танишдик, бир-биримизга кўнгил бердик ва ота-оналаримизнинг розилиги билан турмуш қурдик. Ниҳоят у мени ўз юрти – Ўзбекистонга олиб кетди. Ахир Ўзбекистон қаердаю, Украина қаерда? Муҳаббат масофа танламайди, деб бекорга айтишмас экан. Раҳматли қайнотангиз Умид ака туфайли ҳақиқий ўзбек муслима аёлига айландим, ҳаттоки ўз она тилимни ҳам унутай деганман, бироқ бундан асло нолимайман”, - дейди. Ҳа, қайнонам ўтган умридан ҳеч нолимайди. У ҳар сафар ўз бахтини топганини, мазмунли ҳаёт кечирганини мамнуният билан гапиради.

ИЗЛАНИШЛАРИМ САМАРАСИ ЁХУД ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИБ ТОПГАН НОНИНГ ШИРИН

Мен кончилар шаҳри - Зарафшонга анчагина ўрганиб қолгандим. Шароитларига кўникиб, дўстлар орттирдим. Бу ерда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ҳамфикр бўлиб яшаётган оилаларни кўриб уларга ҳавасим келди, ютуқларидан қувондим. Чунки аҳиллик, тотувлик бор жойда, меҳр-оқибат бўлади, меҳр-оқибат бор жойда эса барака бўлади. Мен бу юртда ҳалол меҳнат қилаётган инсонлар каби ўз ўрнимни топишни кўнглимга тугиб қўйдим. Ана шу мақсад-муддаоларимни амалга ошириш учун, яъни тураржой-квартира масаласида шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилдим. Ҳокимиятдагилар мени яхши кутиб олишди. Ҳокимият вакили гапларимни диққат билан эшитгач - “Қарорингиз қатъийми, уйлаб кўрдингизми? Бу ерларнинг об-ҳавоси бошқача, қиши совуқ, ёзи иссиқ бўлади, чидай олмай қочиб кетмайсизми?”, - деб ҳазил аралаш кулиб қўйди. Ҳокимият вакили мен билан узоқ суҳбатлашди. Икки тилни мукаммал билишимни, рус қизи бўла туриб ўзбек тилида равон гапиришимни, ўзбек тили бўйича мутахассис эканлигимни эшитгач, мени ҳокимият тизимида ишлашга таклиф қилди. Кутилмаганда бундай таклифни эшитиб ҳаяжонланиб кетдим ва “Уддалай оламанми?”, - деганимни билмай қолибман. Қисқаси ҳокимиятда иш бошладим. Янги ходим бўлганлигим боис, ҳокимиятдаги тажрибали ходимлар йўл-йўриқ кўрсатиб туришди. Атрофингда сени қўллаб-қувватлайдиганлар бўлса, барча қийинчиликларни енгиб ўтар экансан. Шундай қилиб бироз муддат ҳокимият тизимида фаолият юритиб, сўнгра Навоий кон- металлургия комбинатига қарашли Марказий кон бошқармасига ишга ўтдим ҳамда 14 йил давомида 3-Бирлашган касаба уюшма кўмитасида оммавий-ташкилий ишлар бўйича йўриқчи лавозимида меҳнат қилдим.

БИРДАМЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Бугунги кунда “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ тасарруфидаги Марказий кон бошқармаси тизимида 34 миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб ишлаётганлиги қувонарли ҳолдир. Улар барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, Янги Ўзбекистоннинг равнақи ва гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Кўпмиллатли жамоамизда тотувлик, бир-бирига ёрдам бериш, ўзаро ҳамфикр бўлиш муҳити шаклланган. Ёш ишчи-ходимлар онгида бағрикенглик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.Турли миллат вакиллари миллий байрамлар, тадбирлар ва фестивалларда ҳамкор-ҳамжиҳат бўлиб иштирок этишади. Корхонамизда барча миллат вакилларининг тиллари, урф-одатлари, миллий қадриятларининг ҳурмат қилиниши таъминланиб, уларнинг муносиб меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Афсуски, оилавий шароитим туфайли Тошкентга кўчиб кетишимга тўғри келиб қолди. Шундай ажойиб жамоамдан айро бўлиш менга осон эмас, албатта. Қаерда бўлмай, қаеда ишламай, азиз шаҳрим Зарафшонимни, жонажон комбинатимни, Марказий кон бошқармаси жамоасини, бу ердаги ўзаро илиқ муносабатларни доимо қўмсаб яшайман.

Ҳамиша янги-янги режалар тузиб, келажакка умид ва ишонч билан интилиш кишига куч-ғайрат, завқ бағишлайди. Баъзида муаммолар гирдобида қолсам, суюкли турмуш ўртоғим, икки ёнимда турган фарзандларим далда бўлади. Ҳа, мен бахтлиман. Меҳнатдан, оиламдан бахт, иқбол, обрў топган ўзбек аёлиман.

Валентина ПОПОВАнинг дил сўзларини МКБ Ахборот хизмати мухбири Дилдора КАРИМОВА ёзиб олди. Дилшод БОБОМУРОДОВ олган сурат.

■ Ҳуқуқий ҳужжат шарҳи

ЯНГИ ҚОНУН – тадбиркорларга янги имтиёзлар демакдир

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларини ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида имконият ва имтиёзларни назарда тутувчи, уларни иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилувчи қонунчилик механизмлари шакллантирилди ва йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 14 апрель кунидан қонуний кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуни ҳам тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаган бўлиб, мазкур қонун билан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг ривожланишидаги тўсиқларни бартараф этиш, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарга ўз фаолиятини қайта ташкил этиш ва тўлов қобилиятини тиклашга имкон бериш орқали иқтисодиётга таъсир ўтказиш, танг аҳволга келган тадбиркорлик субъектларини тугатиб юбориш эмас, балки уларни молиявий соғломлаштириш, соҳада вужудга келаётган янги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган.

Ушбу қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, тўловга қобилиятсизликнинг олдини олиш мақсадида қарздорнинг муассислари (иштирокчилари), бошқарув органи ёки қарздор мол-мулки эгасининг қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси судга тақдим этилгунига қадар қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилади. Қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қарздор билан тузилган битимга асосан кредиторлар ёки бошқа шахслар томонидан ҳам кўрилиши мумкин.

Учқудуқ туман Давлат солиқ инспекцияси судга мурожаат қилиб, қарздор “В” фермер хўжалиги бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги солиқ қарзини тўламаганлиги ҳамда қарздорнинг мол-мулки аниқланмаганлиги боис қарздорни банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топишни сўраган.

Суд қарздорнинг мол-мулки йўқлиги, ўз пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга қодир эмаслиги ҳолати тақдим этилган ҳужжатлар билан тасдиқланганлигини инобатга олиб, аризачининг талабини асосли деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантиришни, қарздорни банкрот деб топишни ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни лозим топган. Бироқ, қарздорни тўлов қобилиятсизлик (банкрот) деб эътироф этилгандан сўнг, тугатишга доир иш юритиш ҳаракатлари давомида кредиторлик қарзларини тўлиқ қоплаб берган.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 57-моддаси биринчи қисмига кўра, кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредиторларнинг барча талаблари ҳар қандай тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомили жараёнида қаноатлантирилганда суд тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиши белгиланган.

Суд кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган барча талаблар қондирилганлиги, ушбу ҳолатлар ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топганлиги, қарздорнинг ўз хўжалик фаолиятини давом эттиришга имконияти мавжудлиги ҳамда шундай истак билан мурожаат қилганлигини инобатга олиб иш юритишни тугатишни лозим топган. Натижада бугунги кунда ушбу қарздор ўз тадбиркорлик фаолиятини тиклаб давом эттирмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонун йўли билан кафолатлашга хизмат қилади.

Шерзод ҒОФУРОВ,
Зарафшон туманлараро иқтисодий суди раиси.

■ Эхо праздника

ВЕТЕРАНЫ ОКРУЖЕНЫ ВНИМАНИЕМ

Ветераны и пенсионеры Навоийского горно-металлургического комбината приняли участие во многих мероприятиях, посвященных празднованию Дня независимости. Под девизом «Смена поколений» прошла интеллектуальная викторина по тематике истории Узбекистана и родного НГМК. Победители и участники викторины награждены ценными призами Совета ветеранов горной и металлургической промышленности Республики Узбекистан.

Работники Навоийского филиала Совета ветеранов Республики, провели также соревнования по шахматам и настольному теннису среди неработающих пенсионеров НГМК в городах Зармитан, Зарафшан, Учкудук и Навои.

Большой объем работы проведен консультантами Навоийского филиала по вручению продовольственных наборов, инвалидных колясок и материальной помощи в честь праздника. Более 200 человек получили финансовую поддержку и 50 человек были поощрены премией за достойный и весомый вклад в развитие горной и металлургической промышленности.

В городе Навои праздничное мероприятие было организовано на высоком уровне. Пенсионеров поздравляли творческие коллективы Дворца культуры «Фархад». Коллеги по работе, старые знакомые получили возможность встретиться, пообщаться. Всеобщим весельем и национальными танцами, дружеским общением с пенсионерами коллективов - праздник Независимости надолго запомнится людям заслужившим достойным трудом достойный заслуженный отдых.

О.ЛУКИНА,
консультант Совета ветеранов.

■ Ҳабиб Абдуллаевнинг 110 йиллигига

ЎРТА ОСИЁ ГЕОЛОГИЯ МАКТАБИ АСОСЧИСИ

Собиқ Иттифоқ Фанлар академияси академиги Виктор Амбарцумян ўз хотираларида буюк ўзбек олими ҳақида бундай дейди: “Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевдек буюк инсонлар ҳар куни, ҳар йили туғилавермайди. Бундай инсонлар 100 йилда бир туғилади”.

Академик Наим Каримов ҳам “Ўзбек халқидан етишиб чиққан буюк алломалар ҳақида сўз борганда Форобий, Ибн Сино, Замахшарий, Беруний, Улуғбек сингари машҳур аждодларимиз номларини фахр билан тилга оламиз, лекин XX асрда дунёга келиб, жаҳон фани тараққиётига катта ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳам улар билан бир сафда туриши мумкинлигини кўпам хаёлимизга келтиравермаймиз” дея таъкидлаб, жумладан геология соҳасидаги кашфиётлари билан илм-фан оламини ларзага келтирган машҳур олим, жамоат арбоби, академик Ҳабиб Абдуллаевни алоҳида эътироф этади.

Ўзбекистон геология мактабини шакллантирган дунё миқёсидаги йирик геолог олим, давлат арбоби, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, геология минералогия фанлари доктори Ҳабиб Абдуллаев 1912 йил 31 августда Ўш шаҳрида таваллуд топган. У 1935 йил Ўрта Осиё индустрия институтининг кончилик факультетини тугатгач, Дала геология-қидирув партияси раҳбари бўлиб Ғарбий Ўзбекистоннинг Жанубий Нурота тоғларида жойлашган Лангар конининг очилишига асос солган.

У масъул вазифаларда ишлаб туриб, илмий ишларини ҳам давом эттирган. 1946 йил “Ўрта Осиё шеелитли скарн конларининг геологик тузилиши” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлайди. Ҳабиб Абдуллаев 1947 йилдан 1952 йилгача Геология институтининг директори, унинг Петрология ва металлогения бўлими раҳбари, шу билан биргаликда Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти бўлиб ишлаган. Ҳабиб Абдуллаев 1952-1955 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси техника ва геология-кимё фанлари бўлимининг раиси ва 1956 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси президенти бўлган. 1959 йилда фойдали қазилмалар ҳосил бўлишининг асосий манбаи гранитоид интрузиялар билан генетик боғлиқлиги ҳақида олиб борган илмий ишларининг ижобий-амалий натижалари учун юксак давлат мукофоти билан тақдирланган. Ҳ.Абдуллаев ер қаърида эндоген конлар ҳосил бўлишининг илмий назариясини ўзининг янгича қарашлари билан бойитди. Бу соҳада буюк олим томонидан 130 дан ортиқ илмий асарлар ёзилган.

Олим Тошкент ва Москвада нашр этиладиган кўпгина илмий журналлар, тўпламлар, илмий-оммабоп нашриётларнинг масъул муҳаррири, таҳрир ҳайъати аъзоси эди, шу жумладан Ўрта Осиёда биринчи “Ўзбекистон геология журнали”ни ташкил қилиб, унинг масъул муҳаррири бўлган.

Ҳабиб Абдуллаевнинг сўнгги туркум ишларидан бири 1961 йилда ёзилган “Конларнинг петрографик провинциялари ва уларни таснифлаш масалалари”га бағишланган асари бўлди. Жаҳондаги барча йирик фойдали қазилма конларининг шаклланиш хусусиятларига бағишланган “Металлогения - фойдали қазилма конларини қидириб топишнинг геологик асоси” монографияси учун олимга 1970 йилда (вафотидан кейин) Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти берилган.

Унинг конлар геологиясига оид назарий фикрлари амалиётда тасдиқланди. У биринчи бўлиб Ўрта Осиёни алоҳида металлогеник махсус провинция сифатида ажратиб берди. Скарнларнинг геологик тузилишини, маъдан ҳосилаларини учрайдиган ва фойдали қазилма конлари ҳосил бўладиган скарнлар мавжудлигини қайд этди. Буюк олимнинг фойдали қазилма конларининг гранитоид интрузиялар билан боғлиқ равишда ҳосил бўлишига доир асарлари илмий мунозараларга сабаб бўлди. Илмий асарларида конларнинг интрузияларга нисбатан узоқ-яқинда жойлашувига қараб таснифланганлиги Эммонснинг мавҳум батолит концепциясидан тубдан фарқ қилади. Олим Ўрта Осиёга доир тадқиқотларини таҳлил қилиб, кичик интрузиялар ўчоғи билан маъданли тоғ жинсларининг яқинлигини ҳамда магматизм босқичлари билан боғлиқ бўлган фойдали қазилма конлари ҳосил бўлиш жараёнларининг такрорланиб туришини кўрсатиб берди. Унинг сўнгги асарларида айрим ҳудудларда муайян типдаги магматизм ҳодисалари рўй бериши ва конларнинг ҳосил бўлишига доир муаммолар ўрганилган.

Ҳабиб Абдуллаев нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё геологиясини ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртларида фаолият юритаётган бутун жамоаларни бирлаштирган тарихий илмий мактабнинг ташкилотчисидир. У 1950 йилдан то умрининг охиригача Бутунжаҳон минералогия жамиятининг Ўзбекистон бўлимини бошқарди. Буюк ўзбек олими 1960 йилдан Франциянинг Геология ва Буюк Британия Қироллик минералогия жамиятларининг ҳақиқий аъзоси бўлган.1964-1969 йилларда чет элларда олимнинг танланган асарларидан 7 жилди нашр эттирилган. Марказий ва Ўрта Осиёнинг геологиясини ва фойдали қазилма конларининг ҳосил бўлиши жараёнларини, уларнинг тузилиши, металлогениясини илмий тадқиқотлар билан асослаб берган буюк олим Ҳ.Абдуллаевнинг ёрқин хотираси нафақат Ўзбекистон Республикаси геологлари, олимлари ва халқимиз, қолаверса бутун жаҳон илмий ҳамжамиятлари томонидан чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади.

Манбалар асосида
А.АХМЕДОВА тайёрлади.

■ Ҳикоя

ЕРНИКИ ЕРГА, СУВНИКИ СУВГА...

Бунақа воқеалар ҳозир юз бермайди. Рўй берганларим тарихнинг қай бир бурчида қолиб кетган дейдилар.

Яна айтишадики, “Ҳой, ҳушёр бўлинглар! Еб-ичганларингиз тупроққа кетади, берганларингиз ўзингизга қолади”.

Шунақа деймиз-у…

Тоғ этакларида бир авлиё яшарди.

Авлиё дейишгани билан карoматини биров кўрмаган. Ҳеч кими йўқ, қавму қариндоши тугул, ёшиям номаълум, аммо кечалари гоҳида ўша томонга тунги самодан бир тутам шуъла тушгани ё учар юлдуз қуйига ингани кўриниб қоларди. “Авлиёмиз малоикалар билан суҳбатлашяпти”, дейишарди кишилар.

Тавба, авлиё улар билан нималарни гаплашар экан?

Самоларда буржларнинг сурилишини, сайёралар ҳаракатини, ойнинг ҳилолдан тўлинга ўзгаришларини томоша қилар? Мангу зулматлар аро нурдай кезар? Тунни тонгга, тонгни тунга ўралишини кузатар? Булар кишига қандай завқ ато этишини билиш қийин, бироқ, авлиёлар одамлар орасида яшашни хушламасликлари бор гап. Эрталаблари нон ёпадиган, кўча-кўй супурадиган, мол-ҳолини бозорга обориб сотадиган, ош пиширib ейдиган ҳамда ҳар турли бўлар-бўлмас гапларни гапириб ўтиришни хуш кўрадиганлар билан унинг ҳаёти орасидаги фарқ қанақа экан?

Ана шундайлардан бири — Абдусамад деган киши, бир куни бағрини ерга бериб ётиб, роса ўйланди. Болалар катта бўлишяпти. Рўзғор ниҳоятда юпун. Шу дамга қадар жонини жабборга бериб меҳнатлар қилдию бири икки бўлмади. Ҳар куни шу — меҳнату заҳмат.

Авлиёнинг ризқи эса ўз-ўзидан келармиш. Бир-иккита қўйлариям бормиш. Уларга биров қарашиниям кераги йўқмиш, ўзи ўтлаб, ўзи кўпайиб юраверармиш. Бўри-шоқол яқин йўламасмиш, мабодо бир-иккитаси адашиб келиб қолса, бир нимага дуч келгандай тирақайлаб қочармиш. Ҳар ҳолда, кўзга кўринмас нимадир уларни ваҳшийлардан қўриқлаб турармиш.

Киройи ҳаёт деганлари ана шунақа бўлса-да.

Абдусамад ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят “Уям, менам Худонинг бандасимиз-ку” деди. “Унга берганларини менга бермасинми?”

“Сўрайдиганларим ниҳоятда оз. Бир озгина сарват бўлса бас, қолганини ўзим эплаб кетаман”.

“Ҳа, чиқмаган жондан умид, бориб кўраверай-чи. Бўлса бўлди, бўлмаса йўқ-да, нима йўқотардим?” деб этагини қоқиб ўрнидан туриб, йўлга равона бўлди.

Анчадан сўнг авлиё кулбасига етиб борди. Авлиё бир тутамгина бўлиб қолган ниҳоятда хоксор бир чол экан.

Абдусамаднинг мақсадини эшитиб, бош силкиди.

– Тошбақа боласини от ёли билан тушовлайсиз, – деди. – Унга сомон парчасини бойлайсизу мен айтган дуоларни ўқийсиз. Иншаллоҳ, тилагингиз рўёбга чиқади. Аммо бир шарти бор!

– Қанақа шарт бўлса розиман!

– Қишлоқдаги бултур сел оқизиб кетган кўприк ўрнига янгисини солиб берасиз!

– Биттамас, ўнта бўлсаям қураман!

– Унда майли, – деб, авлиё ота дуо қилди.

Абдусамад севиниб уйига қайтди.

Уч-тўрт кун излаб, даштдан тошбақа боласини топиб келди, нариги қишлоқда бир отжаллоб борийди, ўшанга бориб, отининг ёлидан бир тутамини сўраб олди. Отжаллоблар от ёлини кестиришмайди дейишарди, рост экан, анча тихирлик қилди-ю, ниҳоят кўнди. Сомон эса ҳар ерда сочилиб ётибди, атай узун, синмаганларидан танлаб олди. Барини муҳайё қилгач, хотинига “Биров сўраб келса мени уйда йўқ дейсан” деб тайинлаб, кулбасига кириб, авлиёнинг айтганларини адо этди. Тошбақа боласини тушовлади, сомон парчасини қил билан бойлаб устига қўйган эди, жонивор оҳиста айлана бошлади. Абдусамад эса авлиё айтган дуоларни ўқиб ўтирди.

Нимадир рўй берармикин? Мужда қайдан қай тарз келаркан?

Бир-икки кун ўтса-да, мўъжизадан дарак йўқ эди. Жума куни аср вақтида хотини биров чақириб келганини айтди. Чопонини елкасига ташлаб кўчага чиқса, ўзи тенги бир киши турибди. Юзига ғалати ғўддалар тошган, худди тошбақа косасига ўхшайди.

... Абдусамад улар билан хайрлашиб, хуржунни уйига опкириб кўзини очса... “Ё қудратингдан!” деворди. Хуржуннинг иккала кўзиям тўла олтин эди.

– Абдусамад ака сизмисиз?

– Ҳа, менман.

– Шуни бериб қўйгин, дейишди, – деди у илжайиб.

Ёнида сомон парчасидай узун, озғин бир киши ҳам турарди. От қилидан эшилган узун қамчиси ҳам бор экан. Уям илжайди.

– Ким? Авлиё отами?

– Йўқ, авлиё ота ким? – дейишди улар. – Унақа кишини танимаймиз.

– Уйга кирмайсизларми?

– Раҳмат, борақолайлик, ишимиз кўп. Ҳали яна кўришиб қоламиз, Худо хоҳласа, – деди “сомон парчаси” баттар илжайиб.

Абдусамад улар билан хайрлашиб, хуржунни уйига опкириб кўзини очса… “Ё қудратингдан!” деворди.

Хуржуннинг иккала кўзиям тўла олтин эди.

* * *

Абдусамад бозорга бориб, яхши от сотиб олди. Қулинг ўргилсин гижинглаган бедовнинг юнги чиройли товланар эди.

Уйига усталарни чорлади. Усталар туну кун ишлашди. Йил ўтиб ўтмай, эски чолдевор ўрнида кўркам иморат барпо бўлди.

Теричига, маточига бориб либослар тиктирди. Чорва қилди, чорваси уч тур: отари, подаси ҳамда йилқиси борийди. Боғ сотиб олди. Олма, анор, узум кўкартирди. Ёғоч усталарини чақириб, сел олиб кетган жарлик устига бир кўприк қуришни буюрди. Усталар ҳам суюна-суюна ишни бошлаб юборишди.

Хуржуннинг бир кўзи ярим ҳам бўлмади.

Шунга қарамай, тиллаларнинг камайиб қолаётгани кўнглини хижил қиларди: ҳаш-паш дегунча бир кўзи бўшаса, иккинчи кўзидагиси ҳам тезда тугар? Кейин нима қиламан?

Кўприк иши негадир сурилгандан сурилаверди. Гоҳ уста келмай қолади, гоҳ айтилган ёғоч топилмайди, гоҳ темирчи ғойиб бўпқолади. Бунинг устига, униси ундай маслаҳат беради, буниси бундай. Силлиқ битаётган ишлар шу кўприкка келганда оқсайверади. Тавба… Вақт ўта-ўта, Абдусамаднинг ҳафсаласи пир бўлди: бу одамларга кўприк қуриб бераман десаму ўзларини тарозига солишларини кўр, деди ҳайфи келиб. Аслида, менда гуноҳ қолмади! Мана, ҳафсала билан керакли пулини бердим, кишиларнинг ўзлари эплашолмаяпти. Шуни қилмасам нима? Шунча жон куйдирдим, ана,

керак бўлса, ўзлари қуриб олаверишмайдими? Бу инсофсизларга ялина-ялина эсим кетди…

Шундай деб, Абдусамад усталарга ўйлаганларини айтди. “У-бу керак бўлса, бориб уйимдан сўрарсизлар, бу ишни ортидан чопгани вақтим ҳам, истагим ҳам йўқ” деди. Уларни роса маломат қилди. Усталар қизариб-бўзариб туришарди. “Хўп” дейишган бўлсада, кўприк учун бир нима сўраб келишмади, ҳаммаси чалалигича қолиб кетаверди.

“Керак бўлса келасан-да” деди Абдусамад. Аммо биров келмади.

Йиллар ўтаверди.

* * *

Ҳа, йиллар ўтди. Абдусамад қариди.

Муҳташам отига минай деса, тургани мажоли йўқ. Ноз-неъмат тановул қилай деса, вужуд истамайди. Тана деган от бўйсунмай қўйгач, эгаси нимаям қиларди?

Фақат, руҳи соғлом. Ўй суришдан бошқага ярамайди. Манзаралар бир-бир кўз олдидан ўтади.

Тавба, иморатлар қурди-ю, кезгани мажоли йўқ.

Шоҳона зиёфатлар тузди, бироқ халқнинг айтгани бўлди: ерники ерга, сувники сувга кетди… Яна бир ўзи сўппайиб қолаверди.

“Ҳа, ҳаммаси рост экан”, деди кейин. Қани, бир гап бўлар.

“Ўзим ҳам пишиб қолдим шекилли” деди. Хавотирланиб ўғил- қизларини, куёвларини йиғди, ўйлаганларини бир-бир тушунтирди.

Ҳамма билиб турарди – ота умри тугаганини сезиб, сарватларини маълум қилиб қўяётир.

– Анча йил яшадим, – деди Абдусамад чол. – Давримда ўйнаб-кулдингиз, бир нимага зориқмадингиз.

– Келажагингизни ҳам ўйлаб қўйганман, – деди қийналиб нафас олиб.– Хуржуннинг битта кўзи тўла турибди. Оғилхонага кирсангиз, чапдан иккинчи устун тагидаги ўрага кўмиб қўйганман. Фақат сиздан бир тилагим: қишлоқдан чиқишда чала кўприк бор, ўшани битирсангиз бас.

Болалар “Қўйинг, ота, унақа гапирманг”, дейишди.

– Шу… бир кўприк… – деди аранг. – Кўзим… очиқ кетмасин… Кўприк қуринглар…

– Албатта, отажон, хотиржам бўлинг! — дейишди болалари-ю куёвлари бир овоздан. – Биттамас, ўнта бўлсаям қурамиз!

– Қани, юринг-чи, – деди тўнғич ўғил, куёвга қараб. Икковлон кетмон олиб, оғилхона томон йўналишди.

Иккинчи устун остида ростдан ҳам кичкина ўрача бор экан. У ердаги тери хуржунни олиб, тупроғини қоқишди. Кейин ота ётган уйга олиб киришди.

– Мана, ота, олиб келдик.

– Очиб… қаранглар… – шивирлади Абдусамад чол.

Болалар хуржун кўзини очиб, ҳайрон бўлиб қолишди.

Нимани кўришди?

Муаллиф ҳақида:

Исажон СУЛТОН — 1967 йили Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Авазбой қишлоғида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган (1990). Ёзувчининг дастлаб “Муножот” (1990), “Ойдинбулоқ” (1995) каби китоблари нашр этилган ва китобхонлар эътиборига сазовор бўлган.

Кейинги йилларда “Боқий дарбадар”, “Озод”, “Генетик”, “Билга Хоқон”, “Алишер Навоий” сингари романлари чоп этилган.

Ж.Нерунинг “Ҳиндистон” китобининг “Бобур” қисмини, Д.Буццати, Р.Акутагава, У.Сайфиддин каби жаҳон адибларининг асарларини ўзбек тилига ўгирган.

Адиб 2014 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” ҳамда 2021 йил “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони билан тақдирланган.

От қили… ўлик тошбақа боласи… сомон парчаси…

Шу, холос.

* * *

– Ҳой яхшилар, Абдусамад бува қанақа одам эди?

– Яхши одам эди! Элга бир кўприк қураман деб анча уринди, қуролмади. Жойи жаннатда бўлсин!

Абдусамад бувани шу тариқа тупроққа бердилар.

Издиҳом орасида икки нотаниш киши ҳам бор эди: бирининг юзи тошбақа косаси каби ғўддали, иккинчиси эса сомон парчаси каби узун, озғиндан келган сариқ одам.

Эл:

– Жойи жаннатда бўлсин, овмин! – деганида, ўша нотанишлар ҳам дуога қўл очишди.

Фақат, уларнинг дуоси бошқача эди:

– Еб-ичганлари тупроққа кетсин, берганлари ўзига қолсин! Овмин, Аллоҳу акбар!

Исажон СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

KONCHILAR HAYOTI
MUASSIS: “NAVOIY KON-METALLURGIYA KOMBINATI” AJ

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida tomonidan 2022-yil 4-fevralda 1521-raqam bilan qayta ro‘yxatga olingan.

Muharrir: **Nizomiddin SADRIDDINOV**

ISSN 2010-5266

Tahririyat manzili: 210100. Navoiy shahri, Navoiy ko‘chasi, 27-uy, “NKMK” AJ boshqarmasi
Telefonlar: Muharrir: 79 227-74-64. Faks: 79 227-75-66

Gazeta har oyda ikki marta chop etiladi va “Navoiy kon-metallurgiya kombinati” AJ, “Navoiyuran” DK, “NKMK jamg‘armasi” DM bo‘linmalariga tarqatiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta “Konchilar hayoti” gazetasi tahririyatida terildi va sahifalandi. “Noshir Lux” MChJ bosmaxonasida ofset usulida bosildi. Nashr sifati bo‘yicha (91) 557-10-95 raqamli telefonga murojaat etishingiz mumkin. **Bosmaxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.

Navbatchi: **Azamat ZARIPOV**
Texnik muharrir: **Zafarjon OLIMOV**

Qog‘oz bichimi A2. 12300 nusxada chop etildi. Buyurtma № 593. 2022-yil 14-sentabr 15:00 da chop etishga topshirildi.